




# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 14 июл, шанба № 108 (1122)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ



## МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ


Улуғнор туманининг Мингбулоқ қишлоғида қад ростлаган Қишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежи биноси мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

750 ўринли мазкур коллежи вилоятдаги 11та қурилиш ташкилотининг 350 нафар қурувчилари ва 100га яқин хашарчилар бунёд этишмоқда.

Келгусида ушбу касб-хўнар коллежида қишлоқ ҳўжалигининг барча йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрланади. Коллежда талабаларнинг билим олишлари ва спорт билан шугулланишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Суратларда: қурувчилар (чапдан) Маъруфжон Ёқубов ва Ҳўзалли Тошмаатовлар; Қишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежи биноси.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.



## ҲАМ ҲҚИБ, ҲАМ ДАВОЛАНИШМОҚДА

Бўстонлиқ туманидаги «Чимён» болалар силга қарши кураш сихатгоҳи шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларидан келган 150 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олган.

Сўлим боғда жойлашган сихатгоҳда уларнинг кўнгилли дам олишлари, саломатликларини тиклашлари учун ҳамма шароитлар яратилган.

Санаториймизда республикамизнинг ҳамма вилоятларидан келган кичкинтойлар тўла соғайиб кетгунларича даволанадилар, — дейди бош шифокор Норинбой Нийезматов. — Энг муҳими, улар ўқишларини ҳам давом эт-

тиришади. Бу ерда биринчи синфдан тортиб, тўққизинчи синфга ўқиган болаларга пухта билим бериш учун шарт-шароит яратилган. Ҳомийларимиз ўқув китобларини тўлиқ етказиб беришмоқда.

Сихатгоҳда даволанаётганлар 100 фоиз дори-дармон билан таъминланган. Табиатнинг мўътадиллиги уларнинг соғайишини янада тезлаштирмоқда. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган шифокорлар болалар атрофида парвона.

Республикамизда мана шундай аjoyиб сихатгоҳ борлигини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, — дейди Хатирчи туманидан кел-

ган Фаррух Мустафоев. — Мен бу ерда даволаниш билан бирга 8-синфни ало ҳаёлар билан тутатиб, 9-синфга ўтдим. Бизларга ўз фарзандларидек меҳрибонлик кўрсатиб даволаб, ўқитаётган шифокорларимиз ва ўқитувчиларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Мен каби саломатликларини тиклаб, ёзги таътил кунларини кўнгилли ўтказайтган Васлидин Пирматов, Бобомурод Холбоев, Нилуфар Нурматов ва Зебохон Камоловалар ҳам яратиб берилган шароитдан жуда мамнунларимиз. Биз ўз фарзандларини қуриши келган бир неча ота-оналарни ҳам учратдик.

## Республикамиз сихатгоҳларида

— Энг аввало, фарзандларимизнинг соғлиғи, ўқиши тўғрисида оталарча гамхўрлик кетишида ҳукуматимизга миннатдорчилигимни билдираман, — дея ўз фикрини ифодалайди нуқуслик Розахон Каипова. — Орол денгизида сувнинг камайиб кетиши воҳамиз об-ҳавосини ўзгартириб юборгани сабабли фарзандим, жияним бу ерда давола-ниб, таълим-тарбия олишаётир. Улар келганига олти ойдан ошди. Юз кўр, хол сўр дейишганидек, айни пайтда саломатликларини анча тиклаб олишгани шундоққина чехраларидан кўриниб турибди.

П.ЭРГАШЕВ.

## ДАШТНИНГ ШИФОБАХШ СУВИ

Қирқ йиллар чамаси муқаддам чўл бағридаги Нурбулоқ қишлоғида (собиқ Нагорная станцияси) яқинида кичкина кўл пайдо бўлди. Табиийки, иссиқ кунларда одамлар, айниқса, болалар бу ерда чўмилишарди. Вақт ўтиши билан мазкур кўлда чўмилишарди бор қатор касалликлардан фориғ бўлишга тўғри маълум бўлди. Шундан сўнг Н.Семашко номли тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий тадқиқот институти олимлари ҳамда гидрогеологлар сувнинг таркибини текшириб унинг шифобахшлигини аниқлашди.

Бундай сувлар ер жинсларида радиий бор жойларда пайдо бўлар экан, мутахассислар уни радиоактив ионли маъданли сув дейишади. Дунёда бундай сув манбалари Пятигорск, Цхалтуба каби санокли жойларда мавжуд. Муҳими шундаки, у юрак-қон томир тизимига, таянч ҳаракат аъзоларига, қон айланишининг ва модда алмашинувининг яхшила-нишига ёрдам беради.

Самарқанддан эллик чакирим масофадаги Нурбулоқ қишлоғи яқинида, аниқроғи Абу Али ибн Сино сихатгоҳида радионли сув хозирги пайтда 650-720 метр чуқурликдан чиқариб олинмоқда. У 37-43 даража иссиқ. Шу сабабли бу сув даволаш бўлимларида бироз совутилиб узатилади. Айни пайтда Нурбулоқ қишлоғида соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли шифохона «Пахтабанк» вилоят бошқармасининг оромгоҳи эҳтиёжмандларини даволашда асқотмоқда.

1991 йилдан буён фаолият кўрсатаётган 200 ўринли мазкур сихатгоҳда даволаш намунали ташкил этилган. Айниқса, М.Пўлатова, Н.Норбоева, Б.Холмурдов каби шифокорлар, П.Бердиев, С.Хасанов, Г.Дўсанова синга-ри ходимлар муолажаси ва муомаласидан даволанувчилар жуда мамнун.

Бугунги кунда сихатгоҳда республикамизнинг барча вилоятларидаги меҳнаткашлар хордиқ чиқаришмоқда. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир кўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан мазкур минтақада яшовчи 4,5 минг хотин-қиз ва 20 минг нафар болалар республикамиздаги сихатгоҳларда, болалар оромгоҳларида соғломлаштирилиши белгилаб қўйилган. Шунга кўра йил охиригача ушбу сихатгоҳда қорақалпоқ ва хоразмлик 320 нафар хотин-қиз дам олади. Уларнинг 46 кишидан иборат илк гуруҳи айни пайтда саломатлигини тикламоқда.

Уларга берилган йўлнамалар ҳаражатлари Самарқанд вилоят касаб-ушумалари ҳисобидан қопланади.

— Ҳукуматимиз берган имконият ва касаб-ушумаларнинг гамхўрлиги туфайли бу масканда дам олаётимиз, — дейди қўшқуирлик Каромат Қурёзова. — Шароитлар яхши. Хоналар шинам, қулай. Шифокорлар ҳушмуомала. Тез кунларда муолажаларнинг самараси сезилди. Самарқанд

вилоят касаб-ушумалари Кенгашидан миннатдоримиз. Унинг раҳбарлигида кўхна шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштириляпти. Имом-ал-Бухорий мажмуасини зиёрат қилдик. Масканда доимий равишда концерт дастурлари, кинофилмлар намойиш қилинмоқда.

Чиндан ҳам маданият уйи, кутубхона, машиий хизмат шохобчалари, Нуробод, Пастдаргом туманлари, Каттақўрғон шаҳри маданият уйлари публикиси ва Хоразм вилоятларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир олувчиларга беминнат хизмат кўрсатишмоқда.

— Дунёда тенги йўқ, шифобахш сув манбаига эга маскан кейинги вақтларда қаровсиз қолган эди. Ўзбекистон касаб-ушумалари Федерацияси Кенгаши сай-ҳаракати билан туб ўзгаришлар қилина бошланди. Хоналарга ичимлик суви келтирилди. Иситиш тармоғи янгиланди. Хоналарнинг 70 фоизи замонавий услубда таъмирланди.

— Федерация ёрдамида янги даволаш бўлими биноси қурилиши бошланди, — дейди сихатгоҳ бош ҳақими Адолат Мусинова. — Масканимиз дашт худудида жойлашган. Даволанувчи ва дам олувчиларга кўпроқ соя-салқин жой керак. Микро оқлим яратиб мақсадида катта фаввора қурдик. Ариқларда сув оқадиган бўлди. Ҳадемай, гулзор, боғлар, дарахтзорлар барпо этилади. Қисқаси, бу жойлар жаннатмакан бир масканга айланишини истаймиз.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

Андижон вилояти шаҳарларида вилоят ҳокимининг ташаббуси билан Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Андижонни обод этилгага айлантирамиз» кўрик-танлови ўз ноҳиясига етиб боради.

Фестивалига тайёргарлик жараёнида Қорасув шаҳрида ҳам кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Шаҳарликлар ўзларининг кўча ва гузарларини ободлаштиришда айниқса фаол иштирок этди. Ўзига ҳоз мейморий услубда барпо этилган йирик машиий хизмат кўрсатиш мажмуи қорасувликларнинг фаҳрига айланди.

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шаҳарда Холиссон Нисонов, Мўмин Юсупов, Йўлбарсқожи Усмонов каби моҳир гулчилар истиқомат қилади. Улар еттиштирган гул қўчатларига талаб катта бўлиб, улар шаҳар хиёбонлари ва марказий истироҳат боғини безаб турибди. Яқиний байрам концертларида ҳақиқий байрамона кайфият ҳукм сурди. Ватан, истиқлол ҳақидаги кўшиқлар жонзадор рақслар, аскиячиларнинг чиқишлари билан алмашди.

Кечки пайт шаҳар истироҳат ва маданият боғида байрам концерти бўлиб ўтди. Концерт завқ-шавққа тўлган томошабинларнинг давомли қарсақлари остида икки соат давом этди. Асақликлар истиқлол гоғарига содиқлигини, жонахон ўлка қудратини фидокорона меҳнатлари билан мустақамлаш ва бойитишга тайёр эканликларини намойиш этишди.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

(ЎзА).

## Қорақалпоғистондан хатлар

### Ш. ЭЪТИҚОД

Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир кўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгилаштириш тўғрисидаги қарори тахтакўпирликлар кўчига-кўч қўшди. Улар барча табиий қийинчиликларга иродани, омилкорликни қарши қўйиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Туман ҳокимининг таъкидлашича, одамлар қийинчиликлар вақтинча эканлигини, бундай шароитда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ҳам-жихатлик гоғтада муҳимлигини қалбдан ҳис этишмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарори шарофати билан янги иш ўринлари яратиш, имтиёзли кредитлар олишга муваффақ бўлинмоқда.

— Инсон борки фарзандини ўйлайди, — дейди тадбиркор И.Сафарниёзова. — Ҳукуматимиз, меҳрибон Президентимиз Оролбўйи худуди аҳолиси ҳақида алоҳида қайғурмоқда. Хусусан, хозирги кунда тумандаги мактабларнинг 500 нафардан ортқ ўғил-қизлари Тошкент, Самарқанд вилоятининг сўлим оромгоҳларида кўнгилли хордиқ чиқаришмоқда. Овулардаги ҳам таъминланган, кўмакка муҳтож оилалардан 32 аёл мамлакатимизнинг энг яхши санаторийларида саломатлигини мустаҳкамламоқда.

Ҳа, Қорақалпоғистоннинг энг олис, сув тақчиллиги айниқса сезилаётган гўшасида ҳаёт бир маромда кечмоқда. Урта ва кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида ўнлаб имтиёзли кредитлар ажратилганлиги барчани қувонтирди. Бунинг шарофати ила қорақўл тери, беда уруғи, полиз маҳсулотларини қайта ишлайдиган кўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан ишлар яқунлай деб қолди. Муҳим ишга Жанубий Корея, россиялик ишбилармонлар муносиб ҳисса

қўшмоқдалар. Тахтакўпирликлар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг турли ташкилот, жамғармаларига ҳам раҳмат айтишмоқда. Боиси, улар ҳам мураккаб табиий шароитни енгилаштиришда яқиндан ёрдам кўрсатаётди.

Яқинда «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталари ижодий жамоаси ҳам хайрли ишга қўл уриб, тумандаги 6-мактабни ўз оталиғига олди. Журналистлар 1991 йилда туғилган 30 нафар болага дарсликлар, кийим-кечаклар туҳфа этишди. Ижодий жамоа мактабда кутубхона ҳам ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамаси қароридан Ўзбекистон касаб-ушумалари Федерацияси Кенгашининг тақлифи маъқулланган. Бунинг шарофати билан бу йил Қорақалпоғистон Республикасидан 3 минг аёл санаторий-курортда дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлайди. Сафаримиз сўнггида қатор нуронийлар билан суҳбатда бўлдик.

Улар маъсулиятли дамларда хар том-лама қўллаб-қувватланаётганликлар учун ҳукуматимизга миннатдорчилик билдиришди. Отахонлар «Саломатлик» поезде ҳам катта наф келтирганлигини эътироф этдилар. Жорий йил июн ойи охирида жўнатилган поездда кўчма шифохона, зарур таъхис ускуналари ва энг муҳими юқори малакали мутахассислар бор эди. Алоҳида вагонда эса инсонпарварлик ёрдами сифатида Оролбўйи аҳолисига 22 миллион сўмлик дори-дармон жўнатилди. Бундан тахтакўпирликлар ҳам баҳраманд бўлдилар. Шифокорлар олис жойлардаги аҳоли пунктларида табиий кўрик ўтказиб, кишиларга катта наф келтирдилар. Буларнинг ҳаммаси воҳа фидокорларининг руҳини кўтарди, унумли меҳнатга чорлади.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» муҳбири.

## МЕҲНАТ БОЗОРИ

75 кишини ишла қилди

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, уларни иш билан таъминлашда жойларда ўтадиган меҳнат бозорларининг ўрни катта. Нишон туман ҳокимлиги, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда 75 киши доимий иш жойларига эга бўлди.

Тадбирда 33 ташкилот 304 бўш иш ўрни билан қатнашди. Хусусан, Талимаржон иссиқлик энергияси, Нишон автотомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармалари бўш иш ўринларига малакали ишчиларни қабул қилдилар.

Шунингдек, 20 нафар хотин-қиз тумандаги Абдулла Қодирий номли жамоа ҳўжалигида ташкил этилган тикучи-бичувчилик касбига ўқишлари учун имкон яратилди. 32 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

— Меҳнат бозори ўтказилиши ёшлар иссиқ қолишининг олдини олмақда, — дейди туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Малика Ҳақбердиева.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири.

## «ПОЛОН ОЙЛ» - СИФАТИГА ҚОЙИЛ

Қашқадарёдаги «Полон ойл» кўшма корхонаси ўтган йили мустақиллик байрами арафасида Польшанинг «Полон Импекс» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган эди.

Корхонада қадоқланган ёғ ишлаб чиқарилади. Бу ерда соатига 3 минг дона полиэтилен идишга ёғ қадоқлаш имконияти мавжуд. Хозирда иш икки навбатда ташкил этилган бўлиб, ҳар навбатда 24 тонна ёғ ишлаб чиқарилмоқда.

Келгусида янги технологик линиялар ўрнатиб, сотувга фақат доғланган ёғ чиқариш ниятида.

(ЎзА).

Сариосиёнинг қоқ марказида Австралия-Регар Геха кўшма корхонасининг «Оби-жўй» шўба корхонаси фаолият кўрсатади. Жамоа жорий йилда 370 минг литр пиво ишлаб чиқариб, 26 миллион сўмлик маҳсулот олишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳар бир сменада 2,5 тонна микродорада маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона маъмурияти билан касаб-ушумалари кўмитаси қабул қилган жамоа шартномасига асосан ишчи ва хизматчилар учун зарур шарт-шароитлар яра-

## СУЯНГАН ТОҒЛАРИМИЗ

тиб берилишига ҳаракат қилинмоқда. Энг аввало, уларнинг моддий таъминоти тобора яхши-лашиб боришига эришиш бош вазифа этиб белгиланган. Ишчилар ойига ўрта ҳисобдан 15 минг сўм атрофида иш ҳақи олиш билан бирга, ҳар чоракда бир ойлик маош микдориде мукофотланишади. Бўш вақтларида дид билан безатилган дам олиш хонасида маданий хордиқ

чиқаришиб, телевизор кўришиб, радио эшитишади. Шахмат-шашка, билиард ўйнашади. Ҳар иккала смена ишчилари учун иссиқ овқат бепул.

Ишчи-хизматчилар тўлиқ кийим-бош билан таъминланган. Сут маҳсулотлари бериб борилмоқда. Техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишлари ўтказилади. Натижа ҳам шунга яраша. Кўзибой Юсупов, Обид

Кумриддинов, Улуғбек Раҳимқулов, Мадина Азизова, Эркин Қурбонов каби ишчилар кунлик режани 1,5-2 баравар ошириб бажармоқда.

Корхонамиз яқинда маъданли сув ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, яна ўнлаб кишини янги иш ўринлари билан таъминлашнинг ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун дастлабки тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Убайдулла МАЛЛАБОВЕВ, «Оби-жўй» шўба корхонаси касаб-ушумалари кўмитаси раиси.

## Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

### ЎЗ ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

Замира Зоиржонова 1992 йилдан буён Жиззах вилоят ўсимликлар карантин Давлат инспекциясида техник-муҳандис вазифасида ишлаб келарди. 1994 йилдан 2000 йилнинг декабрига қадар бола тарбияси бўйича қонуний таътилда бўлди.

Ишга чиққач унга бошлиқ аввалги ишини эмас, балки котиба вазифасида ишлаб туришни таклиф қилди. Замира бунга дастлаб ҳайрон бўлди-ю лекин, шунисига ҳам шуқур, бошлиқ умуман иш бераганида нима бўларди, деган ўй-андишда бу тақлифга рози бўлди. Кейин суриштириб билса, у ишлаган даврда котиба-машинисткалиқ қилган Г.Ақромова техник-муҳандис бўлиб ишлаётган экан. «Ҳа, майли, — дея ўзини овутирди у, — маошда-

ям унчалик фарқ йўқ экан. Янги вазифада ишлаб турақолай». Бироқ, Замира ўйла-ганчалик бўлиб чиқмади. Бу раҳбар томонидан узокни кўзлаб тузилган режани иш эди. Жорий йилнинг 2 апрелида корхона раҳбарининг 14-сонли буйруғи чиқди. Унда қайд этилишича, котиба-машинистка штати қисқартирилгани сабабли З.Зоиржонова ўз вазифасидан озод этилганди.

Корхона раҳбари бу хатти-ҳаракати билан Меҳнат Кодексининг бир

неча банди талабларини қўпол равишда бузди. Яъни, ходимнинг уч ёшга тўлмаган фарзанди борлиги, қўп болалиги, оилада ундан бошқа киши ишламаслиги каби муҳим ҳолатларга эътибор бермади.

Ходим ўз ҳақ-хўқуқини тиклаб беришларини сўраб вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаб-ушумалари кўмитасига мурожаат қилди. Қўмита вакиллари аралашувидан сўнггина ҳақиқат қарор топди.

Корхона раҳбари К.Сариев З.Зоиржоновани аввалги вазифасига тиклаш ҳақида буйруқ чиқаришга мажбур бўлди.

А. АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири.

Бозор иқтисодиёти ва касаба уюшмалари

ИШ ШАРОИТИ

меҳнат унумдорлигини оширишнинг етакчи омили

Хозирги шароитда юридик шахс мақомига эга бўлган корхона, ташкилот, муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномалари меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Табиийки, «Соғлом авлод йили» Давлат дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонунларда назарда тутилмаган катор қўшимча тўловлар, имтиёзлар ҳамда кафолатлар белгиланган.

Меҳнат жамоалари имкониятдан келиб чиққан ҳолда, аввало ноғирон, кўп болали ҳамда кам таъминланган 29 минг 751 оилага қарийб 63 миллион сўм атрофида моддий ёрдам кўрсатдилар. Фарзандлари икки ёшдан уч ёшга тўлгунча қадар 1150 нафар аёлнинг ҳар бирига 1000 сўмдан 7 минг сўмгача нафақалар тўланди. Қурилиш, ёнғил, мебел саноати ва маиший хизмат кўрсатиш, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик тармоқларига қарашли 121 та корхонада 149 нафар аёл ҳомиладорликнинг бешинчи ойидан бошлаб таътилга чиқарилди.

ларида лўнда баён этилган йўл-йўриқлар муҳим омил бўлмоқда. Берилган тавсия ва тақлифларга амал қилиб жойларда қабул қилинган жамоа шартномаларининг аҳамиятини ушбу мисолда ҳам кўрса бўлади. Жорий йил биринчи чорак бўйича олинган маълумотларга кўра шахар металлургия ва машинасозлик саноати корхоналарида мингга яқин аёлга қўшимча таътил учун 700 минг сўм, ишчи-хизматчиларни муддатидан олдин пенсияга чиқариш учун ҳам катта миқдорда маблағ ажратилди. Мактаб ёшига қадар фарзандлари бор кўп болали аёлларга иш ҳақи

«ЎзЛТИнефтгаз» очик ҳиссадорлик жамияти жамоа шартномасида Меҳнат кодексининг 161-моддасига зид равишда меҳнатга ҳақ тўлаш муддати белгиланмаган. «Чўлпон-савдо» хусусий фирмаси мутасаддилари эса муҳим ҳужжатда меҳнат муҳофазасини умуман унуттишган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар учун хавфсиз иш шароитини яратиш энг долзарб масалалардандир. Бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сўнгги икки-уч йил ичида «Тоштўқмачи» ҳиссадорлик жамиятининг йигирув-тўқув фабрикаларида эскирган, шовқин ва чангтўзон чиқарадиган дастгоҳлар замон талабига жавоб берадиганлари билан алмаштирилди. Цехлар ёриткичлари тўла реконструкция қилинди.

Бахтга қарши баъзи жойлардаги умумий ҳолат Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофиза қилиш тўғрисида»ги Қонуни талабларига тўла жавоб бермайди. Ҳамон айрим раҳбару мутахассислар кийинчиликларни рўқач қилишдан нарига ўтишмаяпти. Оқибат натижада — икки йил давомида ишлаб чиқаришда содир этилган бахтсиз ҳодисалар сабабли 69 киши оламдан кўз юмди.

Тошкент шахар касаба уюшмалари Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ушбу масала атрофида алоҳида гап борди. Тахлил шуни кўрсатадики, кўпгина корхоналарда меҳнат муҳофазаси масаласига ҳамон юзак ёндошилмоқда. Корхона ва ташкилотларда ишловчиларнинг муайян қисми техника хавфсизлиги қондалари, санитария-гигиена меъёрларига жавоб бермайдиган шароитда ишлаб келмоқдалар. Бу ҳал қилувчи бўғинларда фаолият юритаётган бошланғич касаба уюшмаларининг қайсидир маънода мурасосозлик йўлини тутаятгани оқибатидир.

Жамоа шартномалари меҳнатқашларнинг ўз корхоналари доирасида ҳақ-ҳуқуқлари кафолатларини таъминловчи муҳим ҳужжат эканлигини унутмаслигимиз, унинг ҳар бир шартни бажарилишини таъминлашимиз даркор.

**М. СОДИҚОВ,**  
Тошкент шахар касаба уюшмалари Кенгаши раиси.



Кумқўрғон туманидаги «Малика» хусусий тикув цехининг иш бошлаганига ҳали кўп бўлмаган йўқ. Лекин уддабўрон, тадбиркор чевар Майрам Чориева бошчилигидаги ушбу цех маҳсулотлари аллақачон ўз харидорларига эга.



Бу ерда бозор иқтисодиёти шароитида энг юксак қоида бўлган — талаб ва тақлиф асосида иш юритилди. Сифатли аёллар либослари, эркаклар учун костюм-шим ва болалар кийимлари буюртма асосида тикилмоқда.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

**Аваллига Учқун рози бўлмади. Ўзбекона орийат, гурур бунга йўл бермади. Лекин, мақсад тўғри тушунирилганидан кейин унинг розилиги билан тўй ҳаракати бошланди. Албатта, турмуш қураётган ёш борки, тўй эса қоларли ўтишини хоҳлайди. Айрим хонадонлар қарз олишига тўғри келди. Тўй икки кунда яқунланиди, аммо қарз ўзилгунча ордан ҳатто йиллар ўтади.**

ТўЙ ХАРАЖАТЛАРИ — ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАН

Ушбу хонадонда ҳам ота-онанинг яхши ният билан тўйга атаб йиққанлари етмаслиги маълум бўлди. Бамаслаҳат иш юритиб, тантананага хўжалик ҳисобидан 150 минг сўм пул, гуруч, ёғ ажратилди. Касаба уюшманинг 25 минг сўми қўшилди. Хуллас, ёш меҳанизатор Учқун Қаҳҳоровнинг никоҳ тўйи кам-кўстсиз, хурсандчилик билан ўтди.

Оққўрғон туманидаги «Озод» қишлоқ хўжалик ширкати касабаси уюшмаси раиси Дадажон Эрназаров ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб туришни фаолиятидаги муҳим вазифалардан бири, деб билди. У шундай хонадонларга тез-тез бориб, нима ёрдам керак бўлса, ташкил этади. Яқинда кам таъминланган оилаларга, ёлғиз қарияларга ўзи бош бўлиб, 150 килограмм гуруч, 55 килограмм ёғ, 15 килограмм гўшт тарқаттирди.

Касаба уюшма кўмитасининг аксарият йиғилишлари хўжалик бошқаруви билан биргаликда ўтказилиши яхши самара бермоқда. Тўйларга, моддий ёрдамга ва бошқа тадбирларга керакли миқдорда маблағ ажратила-

ётир. Шу боис, меҳнатқашларни, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишда кўнгилдаги натижаларга эришилаётир. Шунингдек, узоқ йиллар ёш авлодга таълим бериб, пенсияга чиқаётган ўқитувчиларга 25 минг сўмдан пул берилади. Ёлғиз яшовчи онахон Назира Исахонваннинг хонадонини эса хўжалик ҳисобидан таъмирланди.

Мазкур ширкатда 2640 нафар киши яшайди. Улардан 462 нафари хўжаликда меҳнат қилади. Ишловчиларга тез-тез арзон нархда ўсимлик ёғи, бугдой, шол тарқатилади. Жумладан, март ойида меҳнатқашларга 8 тонна ёғ тақсимланди. Шунингдек, давлат буюртмаси бажарилган, ширкат аъзоларига 250 тонна бугдой берилади. Арзон нархдаги бундай ёрдам қишлоқ аҳолисининг рўзғори бут бўлишини таъминламоқда.

Меҳнатқашларнинг ўртача ойлик маоши ҳам чакимас. Масалан, пудратчи Раъно Турсункулова ўтган йили 5 гектар майдонда етиштирилган 18 тонна пахта учун 170 минг сўм фойда олган эди. Марҳабона Назарова ҳам ҳосилдорликни белгиланганидан 10 центнерга ошириб, 150

Бор бўл, оқибат!

минг сўм қўшимча фойда олди. Обид Аметов галла ҳосилдорлигини 50 центнерга етказиб, 198 минг сўм пул ва шартнома мажбуриятидан ортган 3,5 тонна бугдой эгаси бўлди.

Бу йилги ҳосил ҳам ижарачилар астойдил меҳнат қилганини кўрсатяпти. Далада меҳнат қилаётганларга транспорт ажратилган, кунда иссиқ овқат тайёрланади, дам олиш хоналари етарли ҳиёзланган. 8 та пахтачилик бригадасининг ҳар бирига 0,15 гектардан майдон ажратилган. Бу ерда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари деҳқонларнинг тушлик овқатига ярамоқда.

Кун тартибига қўйилган долзарб масалалардан яна бири — қишлоқдаги ўрта мактаб биносини таъмирлашга маблағ ажратилди, жамоа бўлиб саёҳатларга бориш масаласи ижобий ҳал этилди.

Яқинда хўжалик маблағи ҳисобидан 16 нафар, касаба уюшма йўлланмаси билан 2 нафар киши сихатгоҳларда даволаниб қайтди. Йил охиригача хўжалик аъзоларидан яна бир нечасини соғломлаштириш масканларига юбориш кўзда тутилган.

Жамоа шартномаси бандларида белгиланган, меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид тадбирлар ижроси касабаси уюшма кўмитаси йиғилишларида муҳокама этилади. Бу эса белгиланган тадбирлар вақтида ва кўнгилдаги деҳқоннинг муҳим омил бўлмоқда.

**Темур ҲАЙДАРОВ,**  
«Ишонч» муҳбири.

БИЗ КУТГАН ЗАВОД

«Қорақалпоқтомат» бирлашмаси Нукус туманидаги «Нукус» ширкати хўжалигидан ижарага ер олиб деҳқончилик қилмоқда. Сув тақчиллигига қарамай, экинлар ривож яқши. Сабаби — улар томчилик табиқ сугорилмоқда.

Италиянинг «Алберто Бертуцчи» фирмаси билан тузилган шартномага кўра, бирлашма томат ишлаб чиқариш корхонаси қурилиши ва очик усулда экинларни томчилик табиқ сугорилиши технологиясини келтириб ўрнатиши лозим эди. Бу йил ушбу шартнома тўла амалга оширилди.

Соатиға 10 тонна томат ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий завод фойдаланишига топширилди. «АИК» — Исроил фирмасининг томчилик сугорилиш технологиясини ўрнатилди. Шу усулда парвариш қилинаётган 32 гектардаги помидор, 22 гектардаги тарвуз, 17 гектардаги қарам қўшни хўжалиқлардаги оддий усулда ишлов берилаётган экинларга нисбатан тез етилди. Парвариш жараёни компьютер орқали бошқарилади. Сув нисбатан 4 марта кам сарфланади. Ўғит ҳар бир туп кўчат эҳтиёжига кўра сувда эритиб оқизилмоқда.

**А. ИСКАНДАРОВ.**



Ижтимоий шерикчилик мустақиллик шароитидан келиб чиққан янги мафқуравий йўналишдир. У касабаси уюшмалари, давлат бошқаруви идоралари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларда юзга келаятган муаммоларни музокара, ўзаро келишув йўли билан ҳал этишни тақозо этади. Биргаликдаги саъй-ҳаракат туфайли аҳолининг турли табақаларига манзилли ёрдам кўрсатиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, бандликни таъминлаш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар бериш, соғломлаштириш каби масалаларга оид меъёрий ҳужжатлар тузилди. Муҳими жамоа келишувлари ҳамда жамоа шартномалари иш бериш ва меҳнатқаш ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштирувчи ҳужжатга айланди.

Мақсадга эришишда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг III Курултойи ҳужжат-

сақланган ҳолда 30 корхонада иш вақти қисқартирилди. Аёллар гиғиенаси хонасини ташкил этиш учун 30 дан ортик меҳнат жамоаларида 40 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Шундай жамоалар борки, улар меъёрий ҳужжатларнинг сифат даражасини ошириш юзасидан ибратли тадбирларни амалга оширишмоқда. Ёнғил, мебел саноати ва маиший хизмат кўрсатиш тармоғига қарашли «Файз» қўшма корхонаси, «Юлдуз» очик ҳиссадорлик жамияти, Тошкент тўқимачилик ва ёнғил саноати институти кабилар шулар жумласидандир. Эътиборлиси шуки, уларда касабаси уюшмаси ташкилотларининг йиллик иш режаларида ҳар бир масала бўйича тадбирлар тасдиқланди, комиссиялар тузилган.

Бирок, иш ҳамма ерда бирдек кетаяпти, деб бўлмайди. Масалан,

ХУНАРМАНДЛАРИМИЗ — ГЕРМАНИЯДА

«Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш маркази ҳамда «Усто» бирлашмасининг хунармандлари шу йилнинг 5-9 июл кунлари Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган «Миллатлар фестивали» халқор ахборот форумида иштирок этиди. Германия Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Берлин Халқор унвэрситетлари жамияти томонидан ташкил этилган мазкур фестивалда дунёнинг юзга яқин мамлакатдан хунармандлар катнашди.

Кўргазмада ватандошларимиз — кулол Худойберди Ҳақбердиев, ёғоч ўймакор устаслар Хусан Ғаниев, Шўрат Азимов, темирчи ва кендикор Шокир Камолов томонидан ишланган халқ амалий санъати намуналарига кенг ўрин берилди. Шу билан бирга устасларимиз бетакор, беҳирим буюмлар тайёрлаш санъатини томошабинлар кўз ўнгига намойиш этиди. Бу буюмлар ўзига хослиги ва миллийлиги билан тадбир ташкилотчилари ва томошабинлари назарига тушди. Шу боис хунармандларимиз Германиянинг бошқа шаҳарларида ўтажак кўргазмаларга ҳам тақлиф қилинди.

(ЎЗА).

Ислоҳот инсон учун

Республика иқтисодиётини ислоҳ қилишда банк тизими алоҳида ўрин эгаллайди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантиришда тижорат банклари асосий таянч ҳисобланади.

КРЕДИТ ҲИСОБИДАН ЗАМОНАВИЙ ЦЕХЛАР

Қамашиликлар шунга амин бўлдиларки, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмай туриб, ялғиз тараққиётга эришиб бўлмайди. Буни яхши билган банкимиз жамоаси тадбиркорликни ривожлантиришга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Ҳозирги кунда банкнинг кредит фонди 144 миллион 279 минг сўмни ташкил этади. Утган даврда 61 та ўрта, кичик бизнес субъектларига 51 миллион 147 минг сўм кредит берилди.

Тумандаги чорвачилик билан шуғулланадиган 41 та тадбиркорга 35 миллион 65 минг сўм қарз берилди. Ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларига ажратилган микрокредитлар эса 16 миллион 82 минг сўмни ташкил этади. Дастлабки натижалар

зила оқибатларини тугатиш ва табиий офатдан зарар кўрган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан 75 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилди. Фуқароларга 30 фойиз арзонлаштирилган нархларда қурилиш материаллари сотилаяпти.

Ҳисоб-китоб ишлари тўғри ташкил қилинганлиги туфайли мижозларимиз сони 363 тага етди. 14 та жамоа-ширкат хўжалиги, 55 та савдо, 7 та қурилиш ва аҳолига қўллаб-қувватлаш ҳамда маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари шулар жумласидандир. Банкимиз ходимлари маҳаллий ҳокимият, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси билан ҳамкорликда тадбиркорларни ҳар томонлама молиявий хизматдан қўллаб-қувватлашга асосий эътиборни қаратиб янглишмаяптилар.

Тадбиркор Б.Чориев банкдан 1 миллион сўм қарз олган эди. Айни кунда у ошак ва дереза, тумбочка ва жавонлар ишлаб чиқармоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, тадбиркор банкдан олган қарзларини фойзалари билан тўлиқ қайтарди. Қамаши шаҳрида яшовчи Барот Қўчқоров олган 750 минг сўмлик кредити ҳисобига тикувчилик цехида ўқувчилар учун махсус кийим-кечаклар тайёрламоқда. Туманимизда 2000-2001 йилларда рўй берган зил-

ХАЙРЛИ ҚАДАМ

«Навоийполиграфсервис» тижорат корхонаси Нурота шаҳрида «Нурбулоқ» деб номланган шифобахш газли сувени сотувга чиқарди.

Булоқ суви таркибида инсон организмга керакли бўлган 13 хилдаги маъдан мавжудлиги аниқланди. Замонавий технология ўрнатилган цехда бир кеча-кундузда 10 минг идишга салқин ичимлик қадоқланмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинатининг Марказий ва Шимолий кон бошқармалари савдо корхоналари «Нурбулоқ»нинг биринчи мижозлари бўлди. Шифобахш булоқ суви харидорларга манзур бўлмоқда.

**Р. ОДИНАЕВ,**  
Қамаши тумани ҳиссадорлик тижорат Пахтабанк бўлимининг бошқарувчиси.

МАҲСУЛОТГА ТАЛАБ КАТТА

Табобатда азалаздан ёнғоқ мураббосидан кенг фойдаланиб келинган. Шу боис Сарисоё туманидаги «Саховат» ҳиссадорлик жамияти шифобахш ёнғоқ мураббоси тайёрлашни йўлга қўйди. Ҳозир 4 минг 500 банка ёнғоқ мураббоси сотувга чиқарилди. Келгусида уни янада кўпайтириш режалаштирилган.

Шунингдек, жамият аъзолари анор, узум, олча, олхўри шарбатлари, помидор, бодиринг консерваси тайёрламоқда. Ички ва ташқи бозорда бу маҳсулотларга талаб катта. Бу йилги мавсумда ана шундай харидорнинг маҳсулотлардан 8 миллион шартли банка тайёрланди. Россиянинг Қрасноярск ўлкаси ишбилармонлари билан тузилган шартномага кўра, уларга 200 миллион сўмлик маҳсулот жўнатилади.

(ЎЗА).

Ижтимоий ҳимоя

Меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, меҳнатурувват кўрсатиш, соғломлаштириш, уларнинг маданий дам олишлари учун кенг имкониятлар яратиш бериш касабаси уюшма кўмиталарининг асосий вазифаларидан биридир.

КИШЛОҚКА МУТАХАССИС КЕЛДИ...

Ана шу мақсадда Хоразм вилоят Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма кўмитаси тасарруфидаги барча ўқув юртлари ҳамда умумтаълим мактабларида жамоа шартномалари тузилган. Уларда айниқса таълим ходимлари маошларининг ўз вақтида тўланиши, ёшларни иш билан таъминлаш, ишга қабул қилиш ва озод этишда касабаси уюшма кўмиталарининг розилигини олиш, ходимларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, меҳнат муҳофазаси каби масалаларга кенг ўрин берилган.

Вилоят тармоқ кўмитаси касабаси уюшма аъзоларининг бандлиги, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратмоқда. 2000 ва 2001 йилнинг шу даврига қадар вилоят Таълим-тарбия муассасаларига 1116 нафар аёл ишга жойлаштирилди. Жумладан, синфлар қисқариши муносабати билан дарс беришдан бўшаб қолган 91 нафар ўқитувчи ноғирон болалар яшайдиган хонадонларда махсус ўқитиш ишларини амалга оширди ва уларга ҳокимлик томонидан тегишли имтиёзлар яратилди. Вилоят кўмитаси ташаббуси билан Шовот туманидаги Қиёт қишлоғида Ойдин Жабборова раҳбарлигида хусусий боғча ташкил этилиб, унга қишлоқ аҳолисининг 50 нафар фарзанди жалб этилди ҳамда уларга инглиз тили ва компьютер сабоғи чуқур ўргатилмоқда. Натижада қишлоқнинг 20 нафар аёли ишли

бўлди. Ўтган икки йил давомида 575та талаба Урганч давлат университетини тамомлади ва улардан 512 нафари иш ўрнига эга бўлди, 63 нафари эса меҳнат биржалари рўйхатига киритилиб, иш билан таъминланиш арафасида турибди.

Таълим ва фан ходимларини соғломлаштириш мақсадида 235 нафар кишига республика санаторийларига, 1024 кишига маҳаллий дам олиш сихатгоҳларига йўлланмалар берилган. Тармоқ кўмитасига қарашли 8 та болалар оромгоҳларида 2010 нафар бола соғломлаштирилди, 200 нафар талаба спорт-соғломлаштириш масканида дам олди. Урганч Давлат университети санаторий-профилакторийида 60 нафар талаба вилоят касабаси уюшма кўмитаси ҳисобидан бепул соғломлаштирилди.

Шунингдек, 4 йилдан буён барча туманларда таълим тизимида ишловчи ходимлар бепул табиий қўриқдан ўтказилмоқда. Уларнинг табиий газ, ичимлик суви, электр энергиясидан имтиёзли фойдаланишлари масаласи тармоқ кўмиталарининг мунтазам назоратида турибди.

Таълим-тарбия муассасаларида ишлайдиган ходимларнинг оилавий шароитлари чуқурроқ ўрганилиб, иқтисодий ҳимояга муҳтожлари аниқланди ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уларга 360 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ноғирон фарзандлари бор оилаларга имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Касаллиги туфайли мактабга қатнай олмайдиган ноғирон болаларнинг уйларига бориб ўқитиш йўлга қўйилди. Ишчи-ҳодимлар орасида касаллигининг олдини олиш мақсадида улар белгиланган муддатларда табиий қўриқдан ўтказилди. Бундан ташқари, таълим-тарбия муассасаларида хавфсиз иш ва ўқиб-шароитлари яратилиши доимий назоратда.

Бундай эътибор, шубҳасиз, ҳар бир касабаси уюшма аъзосини рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, жамиятимизнинг янги янгилини, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши йўлида ташаббускор бўлишга ундайди.

**Дилноза МАНРАИМОВА.**

# АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ НИМА?

Қарорнинг биринчи бандида «ижобий аудиторлик хулосаси мавжудлиги ҳужалик юритувчи субъектнинг молия-ҳужалик фаолиятини солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан охириги текшириш ўтказилгандан кейин камида 24 ойдан олдин текширилмаслиги учун асос ҳисобланади» деб белгиланиши ҳам давлатимизнинг мазкур хизмат бераётган катта эътибордан дараж беради.

Қарорнинг 2-банди билан тасдиқланган Низомга қўра унинг 1-бандига амал қилишда, албатта қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

- ҳужалик юритувчи субъектда олдинги икки йил учун ҳар йилги ижобий аудиторлик хулосаси мавжудлиги;
- охириги икки йил мобайнида бюджетга тўловлар буйича муддатда ўтказиб юборилган қарзларнинг йўқлиги;
- ҳужалик юритувчи субъект томонидан молия-ҳужалик фаолияти солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан текширишдан озод этилган ижобий аудиторлик хулосаларини тақдим этиши.

тилиши керак ҳамда мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилмаган ҳужалик юритувчи субъектга нисбатан солиқ органи томонидан жазо жаримаси қўлланилмаганлиги бошқа назорат қилувчи орган томонидан аниқланган тақдирда тегишли солиқ органининг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Амалда биз қандай иш тутаями? Ҳақиқатан ҳам тан олишимиз керакки, ушбу қарор ва у билан тасдиқланган Низом қуйи органларга тушунарли тарзда этиб бормаганлиги ва уларни тегишли тартибда ишлаб чиқилмаганлиги яққол сезилиб турибди. Бундай шароитда ҳукумат қарорининг жойларда бажарилиши буйича ҳужалик юритувчи субъектларга нисбатан талаблар қўйиш қийин кечади ва вилоятимиздаги корхоналарнинг кўпчилигида шу йилнинг 1-майгача мажбурий аудиторлик текширувининг ўтказилганлигига ҳеч ким қаролат бера олмайди.

Умумий хулоса шуки, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида қабул қилинган ҳукуматимизнинг 365-сонли қарори ўта ҳаётий ва долзарб масала.

- ҳужалик юритувчи субъект, аудиторлик хизмати ва солиқ тизимининг фақат ҳамжихатликда ишлашларини тақозо қилмоқда. Ўйлаб қарасангиз, иккисодиётни ривожлантиришда ва яхшилашда энг мақбул йўл шудир. Чунки бу — давр талаби.



Низомнинг 3-бандига қўра аудиторлик хулосасини ҳужалик юритувчи субъект текширув ўтказилгандан кейин 15 кун мобайнида ўзи жойлашган ҳудуддаги солиқ органига тақдим қилиши шарт. Солиқ идоралари эса, хулосаларни қайд қилиб боради ва кейинги йилнинг режасини тузиш учун назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашига йилнинг 1-октябрга тақдим этади.

Ҳукумат қарорининг 2-бандига қўра тасдиқланган «Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товланганлиги учун ҳужалик юритувчи субъектлар жарима ундириш тўғрисида»ги Низомда таъкидланишича, аудиторлик хулосаси мавжуд эмаслиги ҳужалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товланиши деб эътироф этилади. Низомларда шу нарса аниқ кўрсатилганки, салбий аудиторлик хулосасига эга бўлган ҳужалик юритувчи субъект назорат органлари томонидан ҳужалик юритувчи субъектларни текшириш режа-жадвалига белгиланган тартибда кири-

тибда ишлаб чиқилмаганлиги яққол сезилиб турибди. Бундай шароитда ҳукумат қарорининг жойларда бажарилиши буйича ҳужалик юритувчи субъектларга нисбатан талаблар қўйиш қийин кечади ва вилоятимиздаги корхоналарнинг кўпчилигида шу йилнинг 1-майгача мажбурий аудиторлик текширувининг ўтказилганлигига ҳеч ким қаролат бера олмайди.

Умумий хулоса шуки, Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида қабул қилинган ҳукуматимизнинг 365-сонли қарори ўта ҳаётий ва долзарб масала.

- ҳужалик юритувчи субъект, аудиторлик хизмати ва солиқ тизимининг фақат ҳамжихатликда ишлашларини тақозо қилмоқда. Ўйлаб қарасангиз, иккисодиётни ривожлантиришда ва яхшилашда энг мақбул йўл шудир. Чунки бу — давр талаби.

**Хуррам НОРҚОБИЛОВ,**  
Ўзбекистон  
Аудиторлик палатаси  
Сурхондарё вилояти  
бўлими раиси.

(Давоми. Боши газетамизнинг 102-сониди).

# КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНИШ - БУРЧИМИЗ

Фуқароларнинг ҳуқуқий билимини юксалтириш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидан биридир. Бу эса, аввало, халқимизнинг истиклол ва адолат, эзгулик ва фаровон келажақ ҳақидаги орзу-умидлари, эркин иродасини ўзида мужассам этган Конституцияимизнинг ҳар бир модда ва банди мазмун-моҳиятини тереин-тереин аниқлаш, уларда баён этилган ўз ҳуқуқ ва бурчимизни сидқиқидилан бажаришни тақозо этади.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини

Ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишида мутахассислар олдига Конституцияни ўрганиш борасида болаверон ва ўқувчиларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантиришга қаратилган дарслик ва махсус адабиётлар яратилиши вазифаси қўйилган эди.

Республика Таълим марказидан маълум қилишларича, ҳуқуқшунос олимларимиз фармойиш талаблари асосида 1-4-синфлар учун «Конституцияимиз алифбоси», 5-7-синфлар учун

«Конституция оламига саёҳат», 8-синф учун «Давлат ҳуқуқи» ва 9-синф учун «Конституциявий ҳуқуқ асослари» кўлланиларини яратди. Мазкур рисоалар Тошкент шаҳри ва вилоятидаги йигирмага яқин мактабда синовдан ўтказилган, янги ўқув йилидан бошлаб республикамизнинг барча мактабларида ўқитилган «Конституциявий ҳуқуқ» дарсликларидан фойдаланиши учун қўлланима сифатида тавсия этилди.

(ЎЗА).

# Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

**САВОЛ:** Айни вақтда қишлоқ ҳўжалигида яхши мутахассислар пенсияга чиқиб кетганлиги сабабли иш ўринлари бўш турибди. Шу сабабли II-III-гuruhу ноғиронлари, пенсиядагиларга иш таклиф қилсак, нафақамизнинг ярмисини ушлаб қолишда, дейишмоқда. Ҳақиқатан ҳам қонунчилигимизда ишлаган тақдирда уларнинг барчасининг нафақаларидан ярми ушлаб қолинадими?

**С.ХИДРОВ,**  
Китоб тумани,  
«Варганза»  
анорчилик ширкат  
ҳўжалиги қасаба  
уюшма қўмитаси  
раиси.

рига ва ноғиронларига, икки ойгача меҳнат шартномаси билан ишлаш ва тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар кўрсатиб ўтилган пенсиянерлар ишлаётган бўлсалар, иш давомида уларга тўлиқ пенсия тўланмайди.

Иш бевуричлар, қасаба уюшма қўмитаси фаоллари ҳамда кадрлар иши билан шугулланувчи мутахассислар ноғиронларни ишламаётган бўлса, уларнинг гуруҳидан қатъий назар) ишга қабул қилишда ва уларнинг меҳнатидан фойдаланишда қонун талаблари тўлиқ таъминланиши кераклигини ёддан чиқармасликлар керак. Яъни ноғиронлар Меҳнат Кодексининг 214-моддасига мувофиқ, албатта, тиббий кўрикдан ўтганлардан кейин ҳамда ўзаро келишилган ишни бажариш мумкинлиги тўғрисида хулоса берилгандан кейингина ишга қўйилиши мумкин.

Агар шахс ёшга доир ўкинчи гуруҳ ноғиронларига ва Чернобил фалокатидан жароҳат олган шахсларга тўлиқ миқдорда;

- қолган ишловчи пенсиянерларга тайинланган пенсиянинг эллик фоизи миқдорда.

Агар шахс ёшга доир ўкинчи III-гuruhу ноғиронлиги тўғрисидаги пенсия олган ва ҳеч қерда ишламаётган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот, Муддофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий сурғат жамғармалари томонидан ишлаб чиқилиб, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган ва 1995 йил 12 декабрда Адлия вазирлигидан 198-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган «Ишловчи пенсиянерларга пенсия тўлаш тартиби»га биноан бир йилда улар

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президенти 1995 йил 20 ноябрдаги Фармонида мувофиқ 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб ишлаётган пенсиянерларга миқдорда тўланади:

- Уруш қатнашчиларига

## ХУҚУҚИЙ МАСЛАХАТХОНА

### ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфидидаги Юристар малакасини ошириш маркази ҳамда БМТнинг ЮНИСЕФ (Болалар фонди) ташкилоти ҳомийлигида шу йилнинг 30 майда бошланган «Ювенал остициянинг ҳуқуқий асослари» мавзусидаги тренинг - махсус ўқиш давом этмоқда. Бундай курслардан кўзланган асосий мақсад - ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва вояга етмаган ёшлар билан бевоқиф иш юритувчи мутахассислар малакасини оширишдан иборат.

Тингловчилар бундай тренингларда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро меъририй ҳужжатлар мажмуи ҳамда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмлари билан танишади.

(ЎЗА).



Бўш вақтларда газета саҳифаларига кўз югуртириб, хур Ўзбекистонимизнинг жўшқин ҳаёти, турли жаҳалардаги қувончли ўзгаришлар, дунё воқеалари ва албатта баъзи бир камчиликлар, муаммоларга оид мақолаларни биргаликда муҳокама қилиш муштарийга кўп нарса беради. Шунинг учун ҳам кўмқўрғонлик ёшлар республикамиз нашрлари янги сонларини орзикиб кутадилар.

**Суратда: Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати Кўмқўрғон туман кенгаши раиси О.Қобилов бир гуруҳ ишчи ёшлар билан қишлоқ муаммоларига оид мақола ҳусусида фикрлашмоқда.**

**И.ҲАСАНОВ олган сурат.**

# ОТА-ОНАНИНГ АРИЗАСИ

Васийлик ва ҳомийлик органининг розилигига қонунчилик томонидан ҳуқуқ ҳосил қилувчи аҳамият берилган: отанинг бундай розилик билан мувофиқлашган аризасини фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи қабул қилмайди. Агар васийлик ва ҳомийлик органи оталикни белгилашга розилик бермас, у ҳолда ота судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд қарори васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги ўрнини қоплаши ёки бу органининг оталикни белгилашга розилик бермаганлигини тўғри деб ҳоҳлаб қарорлик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи шу боланинг (болаларнинг) отасини белгилаши керак эмас.

Моддада фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига оталикни белгилаш тўғрисида эр-хотиннинг биргаликда ариза беришини қийинлаштирувчи ёки, умуман, уларнинг ариза беришига имкон бермайдиган ҳолатлар мавжуд бўлиши мумкин. Бу ерда гап ўзаро никоҳда бўлмаган эркак билан аёлнинг аёл ҳомилдор бўлган вақтда биргаликда ариза бериши ҳақида бормоқда.

Қонунда оталикни белгилаш тўғрисида эр-хотиннинг биргаликда ариза беришини қийинлаштирувчи ёки, умуман, бунга имкон бермаслиги мумкин бўлган ҳолатлар келтирилмаган. Бу ҳолатлар ҳар қанақа бўлиши мумкин ва уларнинг айнан фавқулодда бўлиши ҳам шарт эмас. Муҳими шуки, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи ходимлари бу ҳолатларни асосли деб топишлари ва бўлажақ ота-онандан оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани қабул қилишлари керак. Бу ариза бола туғилгандан кейин унинг маълумотларини ёзиш учун асос бўлади.

(Давоми. Боши газетамизнинг 102-сониди).

### ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ ТАДБИР

Гийёҳвандлик офати бугунги кунда жаҳон ахлини жиддий ташвишга солаётти. Шу боис, унга қарши кураш долзарб вазифадан бири. Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси бу офатга қарши курашда жамоатчиликнинг эътиборини кўпроқ жалб этиб, «Қора ўлат», «Оғусиз дунё сари» кўрик-танловларини эълон қилганди.

— Гийёҳвандлик аср иллатига айланб бормоқда, — деди вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари М.Шамсиддинов, — халқимизда дўстнинг мингта-сиям оз, душманининг бит-тасиям кўп деган гап бор, бу захри қурбанинг кенг тарқалишига йўл қўймаслик, унинг олдини олиш — энг долзарб вазифадир.

Гийёҳвандликнинг ижтимоий-сиёсий, моддий ва маънавий зарари ҳақида кўплаб фельетонлар, драматик асарлар, телекўрсатувлар яратилди. У одамлар қалбига қорадори истеъмоил қилувчи ва у билан савдо қилувчиларга нисбатан нафрат ва ғазаб уйғотди. Бунинг самараси сифатида шуни айтиш мумкинки, жинорий иш билан шугулланувчиларнинг кенг эртишда аҳолининг фенг қатламлари фаол ёрддам бера бошлади.

Хуллас, ташаббус қўтилгандан-да, яхши натижа беради. Бошқарма кўрик-танлов ақунига бағишлаб, «Наврўз» Уйингоҳида катта шоу-концерт уюштирди. Унга республикамизнинг танкили хонанда-у-озандалари тақлиф этилди. Кеча сўнгида ИИБ раҳбарияти танлов голибларини қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

**М.АБДУКАРИМОВ.**

### Хизматини давомидида кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлганман, турли тақдирли кишилар билан суҳбатлашганман. Лекин буниси неча кундирки, ҳеч ҳаёлимдан кетмайди. Уйлай-уйлай қандай эшитган бўлсам, шундайлигича ёзишга қарор қилдим. Мақсад, ушбу воқеа ҳаммамизга сабоқ бўлсин. Ҳеч ким бу каби тузатиб бўлмас ҳатонинг такрорламасин.

Хонада амалга оширилган ишлар бўйича маълумот тайёрлаб ўтирдим. Бир пайт эшикни охишта тақиллатиб, 70-75 ёшлардаги отахон кириб келди.

У киши аввал ўзларини таништирди-да, сўнг мақсадга ўтди:

— Икки йил олдин хонадонимизда ёнғин содир бўлган эди. Шу тўғрисида ўғлимнинг адвокатига маълумотнома керак экан, шунга келган эдим...

Султон отага бир пиеъла чой қўйиб узатдим-да, ёнғин бўйича суриштирув ишларини олиб боровчи маъсۇл ходимни чақириб, отанинг илтимосини етказдим. Қария бир нуқтага тикилганча уйланиб ўтирар эди. Кейин ниманидир эслади шекилли сўради:

— Сизларда баланд бўйли, қиройилдан келган бир йигит бор эди. Чехраси очқична, ўша ходим ишлаётими?

Суҳбатдошим ким ҳақида сўраётганини дарҳол англади ва унинг ҳозир бошқа шахарда шу соҳада ишлаётганини айтди. Маълумотнома бирпасда тайёр бўлди. Уни отага бердим. Сўнг собиқ ходимимизни нима сабабдан суриштирганига қизиқдим. У уф тортиб, ҳасратини баён этди:

— Ўша йигитнинг дилини ўғлим жуда қаттиқ оғритган эди. Худойим боланим шу гуноҳи учун ҳам жазоладими, дейман.

### ЎНҒИН

Лекин онаси, икки неварам ва келинимнинг нима айби бор эди, деб ўйлаб қуяман.

— Тинчликми ўзи?  
— Э, ўғлим, бу воқеага

иқки йил бўлди. Эрталаб соат 10 лар эди, 8 ёшли неварам югуриб келиб, «буважон, дарвоза олдида бир ҳарбий сизни сўрапти» деди, чиқдим. У менга ўзини ёнғиндан сақлаш хизмати ходими, деб таништириб, гувоҳномасини кўрсатди.

Уни ичкарига таклиф қилдим. У мендан янги қурилатган уйнинг ҳужжатларини сўради.

Усталар олдида турган ўғлимни чақирдим. У уйнинг ҳужжатларини олиб чиқди. Уйимиз деярли биттиб, фақатгина сўнги пайвандлаш ишлари қолганди. Учаламиз 12 хонадан иборат 2 қаватли уйи обдон айландик.

Сўнг, ҳалиги одам усталарни йиғиб, ёнғиннинг олдини олиш бўйича суҳбат ўтказди. Кейин бизга юзланиб, шундай деди:

— Уйингиздан ёнғин чиқиш хавфи эҳтимоли бор, Пастки икки хона ҳар хил бўёв ва тез ёнувчи моддалар билан тўлган. Айнан шу хонада, газ билан пайвандлаш ишлари бормоқда. Бу ахир қондага хилоф-ку!

Ўғлимнинг яқин оғайнисини ўзи қўп қатли уйда

### ЎНҒИН

турганлиги учун машинасини бизнинг ҳовлида таъмирлаб, баъзи жойларини пайвандлаётган эди.

— Машинани пайвандлаш ишларини махсус устaxonада амалга ошириш керак. Усталар хавфсизлик талабларига бутунлай амал қилмапти. Устига-устак бу ерда болалар ўйнаб юрибди, — дея қўшимча қилди зобит.

Ўғлим ва машина эгаси вақилга бақира кетди. У-

### ЎНҒИН

ёки эҳтиётсизлик туфайли хазон бўлган умр

Аҳволини кўриб, кўркиб кетдим.

— Тинчликми, нима бўлди?  
Мени кечиринг, деганча бағримга отилиб, йиғлаб юборди.

У бўлган мудҳиш воқеани гапириб берди:

— Меҳмондорчиликдан кеч қайтиб, ҳовлида донг қотиб ухлаб ётган эдим. Бир пайт келинингиз билан невараларингизнинг иккинчи қаватдан «Ёрддам

### Сабоқ

дунёдан ўтди. Ўғлим ҳам эски ҳовлимизга кўчиб ўтди. У бор мол-мулкдан айрилган эди.

Шунча қулфат камдек, оғайниси тез-тез келиб, машинасининг пулини талаб қилар эди. Бир куни яна келганда болам ғазаб устиди болта билан унга ташланибди. Мен ичкари уйда эдим. Дод-вой эшитилди. Жон ҳолатда отилиб чиқдим. Ҳовлида оғайниси қонга беланганча жонсиз ётарди... Ўғлим судланиб, кўп муддатга озодликдан маҳрум этилди...

Мана энди иккита неварам билан бир амаллаб кунимизни кўраямиз. Сиқилганимда, кампиримин зийрат қилиб, дардимни қабрига айтаман. Невараларим билан келимин олдига бориб, ундан хабар оламан. Ишқилиб норасидаларнинг бахтига омон бўлай. Агар менга бирор қор-ҳол бўлса, улар кимнинг қўлида қолади? Шунини ўйлаб, кечалари ухламай, Худодан уларни оёққа тургазганимча жонимни олмай туришимни, келимин дардиго шифо беришини илтижо қиламан. Ўғлимга адвокат ёллаганман. Эҳтимол, жазо муддатини қамайтиришар...

Султон ота кетмоқчи бўлиб ўридан турган эди, мени машинаси бор ходимимизга уни айтган манзилга олиб бориб қўйишини тайинладим. Хонамга қайтиб, эҳтиётсизлик, манманлик қандай оқибатларга сабаб бўлиши ҳақида узоқ ўйга қўйиб кетибман.

**З.ЮСУПАЛИЕВ,**  
9-ҲЭСБ бошлиги  
вазифасини бажарувчи,  
ички хизмат майори.

### ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА НАФИС САҲЪАТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБИ 4, 7, 8-СИНФЛАРНИ БИТИРГАН ИСТЕЪДОДЛИ ВА ИЖОДКОР ЎҚУВЧИЛАРГА ЯНГИ 2001-2002 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

**Мақтабда қуйидаги бўлимлиқ мавжуд:**

- + Адабиёт ва суҳандонлик: 9-синф.
- + Тарих ва ҳуқуқшунослик: 9-синф.
- + Санъатшунослик: 8-синф.
- + Иқтисод ва инглиз тили: 5-синф.

Мақтабда кутубхона, ўқув заллари, замонавий ўқув, видео, аудио техник хоналар мавжуд. Лицеяда ўймакорлик, миниатюра, наққошлик, мусиқа асбоблари яшаш, расм ва фан тўғрараклари ишлаб турибди.

Мақтабга қобилиятли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.

Танлов 6 августдан 15 августгача ўтказилади. Ўқувчилар психологик тест ва мутахассислик фанларидан имтиҳон топирадилар.

Ўқишга кирувчи ўқувчилардан имтиҳонда қатнашган учун 1 июлдан бошлаб 4 та расм 3х4, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, мактабдан ўқув табеллари, ўқувчи ота-онаси томонидан мактаб раҳбари номига ариза, мактабдаги тиббий картаси қабул қилинади.

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ:**  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «Ц» квартали. Метронинг «Чилонзор» бекати.  
Мурожаат учун телефонлар: 76-59-50, 76-59-00.

### СОЧИ ҚАЛИНЛАШИБ, ТИШИ ЧИҚЯПТИ

Избоскан туманининг Тўрткўл қишлоғида яшовчи Саврихон буви Бобожоновна ҳозир 105 ёшда. Қишлоқнинг галлакор, пиллакору пахтакорлари йигим-термига тушишдан олдин шу онахондан оқ фотиҳа оладилар. Маҳалладаги ўз боғларидаги кўчатнинг дастлабки мевасини ихлос билан шу мўътабар онага тутадилар. Тўй-томашлар шу бунининг қуюқ дуоси билан бошланади. Саврихон буви асли Чунлиқ. Отаси маърифатли, обрў-эътиборли киши эди. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида «болшовой»лар оқ-қорани таниган ҳар қандай одамни қамай бошлаганларидан кейин улар Андижоннинг шу чекка қишлоғига қочиб келиб, жон сақладилар.

### Бу дунёнинг ишлари!

— Худога минг қатла шукр! Эмин-эркин нафас оладиган хуррам замониям кўриш насиб этяпти, — дейди онахон қувончини яширолмай. Уч асрнинг юзини кўрган Саври буви Бобо- жоновна ҳали тетик, гаплари бурро, хотираси жойида. Қарангки, юзга қадам қўйгандан бери бошида қора сочлар кўпайиб, янги тишлар чиқяпти.

М.АБДУКАРИМОВ.



## Иккинчи истеъдод

### ЮРТИМДА ОҚ ТОНГЛАР ОТАВЕРСИН

**Дилбар Иброҳимжонованинг асл касби — ҳамширалик. Дўстлик туман марказий шифохонасининг жарроҳлик бўлимида катта ҳамшира бўлиб ишлайди. Аммо шайхат ҳамширасининг шеърятга меҳр-муҳаббати ҳам юксак.**

**Куйида ҳукмингизга ҳавола этилаётган меҳрдан яралган сатрлар унинг республика матбуотидаги илк қадамидир.**

### АЛЛА

**Дунё гўзалликдан иборат асли, Гўзал фасли баҳор, оппоқ тонг палла. Гўзалроқ минг бора ундан-да ҳатто, Келинчак илк бора куйлаган алла.**

**Элин овозига лаббай демоқ-чун — Ўғил бўлса, айтинг, жасурлик мадҳин. Алпомишларни ҳам куйланг аллада, Мурғак вужудидан бунинг ҳис этсин.**

**Нафосатнинг нозик ниҳоли учун — Қиз бола гар, айтинг, ҳаё достонин. Барчинойларни ҳам куйланг аллада, Унинг хислатларини мужассам этсин.**

**Юртимда оқ тонглар отаверсинлар, Ҳамиша банд бўлсин мўъжа беланчак. Фарзандлар камолга етаверсинлар, Алла куйлайверсин сулув келинчак.**

**Вақтни атайдилар энг олий ҳакам, Умрининг заволи сочларнинг оқи. Ошиқ бўлсанг, бўлгин ошиқ чинакам, Яшамокни кўрсин номардлар тоқи.**

**Улар бўлиб эмас, мен бўлиб яша, Иложисиз сўнг эмас, энг бўлиб яша. Қаро кўнгилларга кенг бўлиб яша, Ишқим эъзозига тенг бўлиб яша.**

**Бағрим баҳориди гул бўлиб яша, Қаро булут эмас, нур бўлиб яша. Ишқим эъзозига бўлолмас тенг, Воз кеч барчасидан, ҳур бўлиб яша.**

Дилбар ИБРОҲИМЖОНОВА.

### Саъбат

**Ўзбек мусиқа санъати асарлари янги замонавий жанрлар ҳисобида бойиб бормоқда. Рок опера жанрида яратилаётган мусиқали асарлар ҳам юзга кела бошлади.**

## РОК ОПЕРА

Таниқли бастакор Алишер Икромовнинг самарали иходий изланиши маҳсули бўлган янги рок опера ҳам эътиборни ўзига тортади. Унга ўзбек шеърятининг улуг даҳоси Алишер Навоийнинг достони асос бўлиб хизмат қилди. Зеро, «Лайли ва Мажнун» деб номланган мазкур асар мусиқаси ўзига хос оҳанглар ила сайқал топди.

Тошкент давлат опера театри уни сахналаштиришга киришди. Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига яхши иходий армуғон бўлган ушбу рок опера яқин орада томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Наргиза СОЛИҲОВА.

## ISHONCH

### МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**

### Тахрир хайъати:

**Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиков.**

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 20.50

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

## КОЛЛЕЖ ШАҲЗОДАСИ

Тараққиётнинг энг муҳим омили, бу таълим тизимига эътибор эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Чунончи, Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари туфайли иқтидорли болалар ўз билимларини тобора мустақкамламоқдалар. Боз устига коллежда ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб турли тадбирлар ўтказиб турилади. Хусусан, яқинда бўлиб ўтган «Коллеж шаҳ-

**Суратда: Голибни тақдирлаш пайти.**

**А.РИСКИЕВ (ЎЗА) олган сурат.**



### ЭНГ ЯХШИ ТУҲФА

Ўқувчи ёшларни янги дарслик ва ўқув қўлланмалари билан қуроллантириш ишлари жадал олиб борилаётганда. Биргина Фафур Фулом номидаги «Адабиёт ва санъат нашриёти» янги ўқув йилида 20га яқин номдаги ўқув адабиётларини ўқувчиларга тақдим этди.

Мактабларнинг турли синфлари учун мўлжалланган «Мусиқа» дарслиги ўзбек тилида илк бор чоп этилмоқда. «Ўзбекча-инглизча изоҳли луғат» нашри эса чет тилларни ўрганувчилар учун яхши совға бўлади.

Шунингдек истиқлолга бағишланган яна бир неча китоб босмага тайёрланди. «Истиқлол илҳомлари», «Мустақиллик тароналари» каби тўпламлар ҳам китобхоналарга манзур бўлади деган ниятда.

А.АЛИЕВ.

**Автомобилни маст ҳолда бошқариш хавфли эканлиги яхши маълум. Ичиб рулга ўтириш кўп ҳолларда фожиа билан тугайди. Шу боис бу қонуний тақиқланган. Бироқ, айрим мутахассисларнинг фикрича, машина ҳайдаётганда нафақат ичиш, ҳатто гаплашиш ҳам хавфли экан.**

Бугун уяли телефон одатий буюмга айланиб бораётир. Кўча-кўйда, дўконларда ёки емакхоналарда бу матоҳни чаккасига тутиб гаплашаётган кишиларни кўп учратамиз. Айниқса, ишбилармон кишилар учун кўл телефонининг фойдаси катта. У анча-мунча вақтни тежайди. Бироқ, кейинги пайтларда машина ҳайдаётганда ҳам телефонда сўзлашиш ҳоллари одатий ҳолга айланиб бормоқда. Бир қўли рулда, бири телефонда, кўзи йўлдаю хаёли суҳбатда бўлган ҳайдовчининг хушёрлиги сусаймасмикан, деган савол туғилади. Шу савол кўпгина баҳсларга сабаб бўлаётир.

Уяли телефон деярли барча мамлакатда оммалашган. Айниқса, саноати ривожланган, кўчалари одамлар машина билан тирбанд йирик шаҳарларда ҳар бир кишида шунақа телефон

фойдаланганлар ҳамда шошилинч ёрдам хизматига кўнгироқ қиладиган-

## ҲАЙДОВЧИ ҚЎЛИДА УЯЛИ ТЕЛЕФОН...

кўриши мумкин. Қаерда транспорт қатнови кўп бўлса, ўша ерда ҳалокат ҳам кўп бўлади. Лекин, қузатувчиларнинг айтишича, кейинги пайтларда ҳайдовчиларнинг теле-фонда сўзлашиб хушёрлики йўқотиши туфайли юз бераётган ҳалокатлар сони кўпайиб бормоқда. Яқинда АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ҳайдовчилар учун рулга ўтирганда телефондан фойдаланиш тақиқланди. Энди полиция ҳайдовчи гаплашиб кетаётган машинани бемалол тўхтатиши ва чора кўриши мумкин. Фақат ҳайдовчига қўлни рулдан олмаган ҳолда сўзлашиш имконини берадиган «Хэндс-фри» ускунасидан

### Холис фикр

лар бундан мустасно. Ҳозирча жазо 100 доллар миқдориде жарима билан чекланди. Бу қонун биргина Нью-Йорк чегарасида қолиб кетмайди. Колумбия штати маъмурияти шундай қонун чиқариш масаласини кўриб чиқмоқда. У қабул қилинса, Вашингтонда ҳам Нью-Йоркдаги қоида жорий этилади. АҚШда уяли телефон йўл ҳаракати хавфсизлигига таъсир этадими, деган савол аввалдан муҳокама этиб келинарди. Ҳатто айрим штатларда ҳайдовчининг уяли телефондан фойдаланиши қисман тақиқлаб келинган. Чунки, ҳайдовчини чағлтирадиган омиллар сирасига теле-

фоннинг «айби» кири-тилмаган, ҳатто исботланмаган эди. Ўтган ойда Нью-Йоркда биринчи бўлиб шу тақиб жорий қилинди. Яна 19 штатда шундай қонун муҳокамада турибди. Яқин орада янги қонун АҚШнинг барча ҳудудларига тарқалиб кетса, ажаб эмас. Ҳозир АҚШда 115 миллион киши кўл телефондан фойдаланади. Бу ихтимой фаол одамларнинг барчасида уяли телефон бор, деганидир. Сўровлар натижасида уларнинг 85 фоизи мунтазам равишда машина ҳайдаётиб телефонда сўзлашиши аниқланган.

Саидмурод РАҲИМОВ.

## НИМ ТАБАССУМ

Костюм, шляпа, галстук ва қора кўзойнакда чўмилаётган одамни кўриб ажабланган дам олувчилардан бири яқинроқ сузиб келиб сўради: — Нега кийимда чўмилаясиз? — Сиз чўмилаясиз, — жавоб қилди у, — мен эса чўкаяман.

Суд содир этилган ўғрилиқ ишини кўраётти. Адвокатнинг нутқидан сўнг сўз жабрланувчига берилди. — Оқловчининг нутқидан сўнг менда машина бўлганига ҳам ишонмай қолдим.

Йўналиш бўйича кетаётган автобус ўриндиқларида асосан, эркалар ўтиришибди. Навбатдаги бекатдан қўлида оғир сумка билан бир аёл чиқди. Ҳаммага бий қараб, ҳеч ким жой бермаганидан кейин: — Ҳақиқий эркалар қолмабди, — деб норозиланди.

— Ҳақиқий эркалар бор, фақат жой йўқ, — деди ўтирганлардан бири.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Кўмитаси «Орзу» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси Абдурашид Абдуқодировга волидаи мухтарамаси **Самара ая ЮСУПЖОНОВА**нинг вафот этганлари муносабати билан зукур таъзия изҳор этади.

Чилонзор тумани 270-ўрта мактаб томонидан 1994 йил Усманова Мунира Зоҳиджоновна номига берилган А№-026624 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКБОР ҚИЛИНАДИ.**

### Шахмат жаҳон адабиёти дурдоналарида

қилибдилар. Шунда қиз голиб чиқса, ўн динар олишини, Масрур голиб келса, ҳеч нарса бермаслигини айтибди. Галаба қозонишига

кўриб турибман» дебди. Улар пиёдаларни бир-бир олдига сурибдилар. Зайнулмавосий пиёдалар орқасидан фарзинини тиркаб,

ни кўриб турган кишида эснима қилади?» дебди. Зайнулмавосий уни бу аҳволда кўргач, оқ доналарни ўзи олиб, қизилларни унга берибди. Йигит қизил доналар билан ўйнаб бошлабди. Шунга қарамай, қиз яна голиб келибди.

Масрур қиз билан қайта-қайта ўйнаверибди, қиз эса голиб келаверибди. Масрур ҳар сафар қизга ўн динар бераверибди. Зайнулмавосий унинг ишқ беқарорлик билан овора эканини билди: «Ҳой Масрур! Ўз шартинга кўра, мендан голиб чиқмасанг, муродинга етолмайсан, энди юз динар тикилмаса, ўйнамайман», деса, Масрур: «Жуда яхши, марҳамат қилиб ўйнавер» дебди. Қиз Масрур билан яна шартанж ўйнашга киришибди, голиб келаверибди.

М. МУҲИДИНОВ тайёрлади.


(Давоми бор).

## «МИНГ БИР КЕЧА»ДАН

хайрон бўлибди. Зайнулмавосий унга қараб: «Қизил доналар билан ўйнайсанми ёки оқ доналар биланми?» деб сўрабди. «Эй гўзаллар маликаси ва тонг зийнати! Сен қизилларни ол! Чунки улар чиройлироқ, сен каби гўзалга шу доналар муносиб. Мен оқ доналарни олай» дебди Масрур. Зайнулмавосий бу тақлифга розилик билдириб, қизил доналарни оқлар қаршига терибди ва кўлини пиёдага узатиб, майдон сари юрибди. Масрур қизнинг бармоқларига қараб ҳайратланибди ва ўзини йўқотаёзиди.

— Ҳой Масрур! - дебди шунда қиз унга қарата. - Ҳаёлинг паршон бўлмасин, бетоқат бўлмай, сабр қил. — Эй ойни шарманда қилувчи хусн эгаси! Севу-чинг сени кўрганда, сабр қилишининг иложи бўларми-

ишонган Масрур унга: «Қасмингни бузма! Уйингда мендан кучлироқ эканингни



МАРОҚЛИ МАШҚ

оқларнинг уч юришда мот қилиши билан яқунланади.

уларга руҳларини яқинлаштирибди. Кўнгли мойиллик бериб, отларини олдинга ўтказибди. У бошидаги кўк рўмолини олиб қўйиб, худди нур устунини сингари билгани шимарибди-да, бармоқлари билан доналарни суравери-бди. Бир пайт у Масрурга: «Кишт» дебди. Масрур ақлу-хуши учиб, эси оғиб ўзини йўқотиб қўйибди. У қизнинг гўзаллиги ва лафозини томоша қилиб, ҳайратда қолибди. Довдираб оқ доналарга кўл узатса, қизил доналарга кетиб қолаётган эмиш. Шу вақт қиз: «Ҳой Масрур! Эсинг қаёқда? Қизиллар меники, оқлар сеники-ю» деган экан, Масрур: «Сенинг руҳдоринг-

(Давоми. Боши газетамизнинг 104-сониди).